ДИАЛОГИК НУТҚ ЛУҚМАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР РОЛИ

Исмоилова Дилрабо
Самарқанд давлат чет тиллар институти магистранти

Аннотация. Ушбуб мақола диалогик нутқ луқмаларини расмийлаштиришда фразеологик бирликлар роли ва аҳамиятини муҳокама қилади. Мақолада диалогик нутқ бирликларини расмийлаштиришда юзага келадиган муаммо ва камчиликлар ўрганилган, шунингдек, уларнинг йечимлари келтириб ўтилган. Фразалеогик фирликларнинг келиб чиқиши ўрни ва турлари муҳокама қилинган.
Калит сўзлар: Фразеологик бирлик, диалогик нутқ, стилистик хусусият, турғун бирикма, деривация.
Abstract. This article discusses the role and importance of phraseological units in the formalization of dialogic speech chunks. The article examines the problems and shortcomings that arise in the formalization of dialogic speech units, as well as their solutions. The origin and types of phrasal verbs are discussed.
Key words: Phraseological unit, dialogical speech, stylistic feature, fixed combination, derivation.

Фразеология диалогнинг репликаларини расмийлаштиришда лисоний воситалар қаторида катта роль ўйнайди. Ҳар хил фразеологик бирликлар ишлатилмаган ҳолда сўзлашув нутқи қашшоқ бўлиб, ифодалиликдан йироқдир. Шунинг учун диалогик контекстининг фразеологик бутланишининг ўрганилиши ҳозирги замон умумий ва амалий тилшунослигининг долзарб масаласи сифатида кўриб чиқилиши лозим. Бунда тадқиқот мантиғи нутқий акт муаллифининг ички оламидан суҳбатнинг сюжети орқали мос келадиган тил тимсолига тизимли яхлит ёндашувни тақозо этади. Бу демакки, индивиднинг нутқ яратувчанлигини ўрганиш (яъни, шахс тилининг барча хусусиятларини) фаоллаштирилган лисоний воситаларнинг тизимлилигига асосланиши лозим.

Бунда, мисол учун аниқ бир муаллиф фразеолекти доирасидаги (айтайлик, фақатгина фразеологик сатҳда) нутқ яратувчанликнинг муҳим хусусиятларини аниқлаш ва тасвирлаш имконини беради. Фразеологияни тизимлилик жиҳатдан тасвирланишида унинг намоён бўлишининг икки йўналишини ҳисобга олиш керак: алоҳида олинган фразеологик бирликлар ички хусусиятлари (фразеошакл вариативлилигининг барча турлари, парадигматик ўзгарувчанлик даражаси, фразеообраз қурилишининг ўзига хослиги, стилистик хусусияти, экспрессив таъсирчанлик қобилияти ва бошқалар), бир томондан, фразеологик бирликнинг атрофини ўраб турган контекст билан боғлиқлиги, бошқа тарафдан эса, аниқ бир фразеологик бирликнинг бошқа турғун сўз бирликлари (мажмуалари) ҳамда тилнинг сўз бойлиги билан ўзаро муносабатлари. Иккинчи ҳолатда, А.М.Бушуй фикрича, “фразеологик бирликлараро алоқалар синонимик, антонимик, деривацион ва бошқа муносабатларни ифодалашда намоён бўлади, бунда ўз фразеообрази, семантикаси, мавзу ўхшашлиги ҳамда қурилиш-композицион хусусиятлари бўйича яқин бўлган фразеологик бирликларнинг ҳар хил туркумларини инобатга олиш муҳим”.

Юқорида санаб ўтилган, умумий фразеологиянинг ҳамда алоҳида олинган айрим фразеологик бирликларнинг тизимли тавсифлаш тамойиллари аниқ (ёки ушбу жамоага хос бўлган) нутқий акт эгасининг фразеологик хослигидан далолат берувчи сўзлашув нутқида фразеологик бирликлар қулланилишининг хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Албатта, бунинг учун муаллиф (хусусий) фразеологиясини ва узуал (тилда турғун

бўлган) фразеологияни қиёсий таққослаш усулини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Фразеологик бирликларнинг бой типологияси, уларнинг асосий туркумларининг тараққий этганлиги, семантик-структур хусусиятлари буларнинг барчаси немис тилида ёзилган мумтоз драматик асарларнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ҳанузгача замонавий немис тилининг адабий-меъёрий сатҳига тўлиқ мос ҳисобланади. Бироқ нутқ ҳосил қилиш жараёни иштирокчиларнинг нутқий ўзига хослигини фразеологик бирликларнинг у ёки бу семантик-тузилмавий туркумларидан фойдаланиши, уларнинг такрорланиш даражасини тавсифлаш билан чекланиб қолмайди. Фойдаланилган фразеошаклларнинг деривацион ҳамда трансформацион имкониятлари, уларнинг нутқ ҳосил қилишдаги бадиий-тасвирий роли индивидуал нутқ тизимининг муҳим кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун қўйидаги жиҳатларнинг инобатга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

А) матнда фразеосемантик майдонларнинг ташкил этилиши (мисол учун, ўлим мавзусини тасвирлаш асосида қурилган образ асосига эга бўлган фразеологик бирликларнинг майдони, ёки турли имо-ишораларни ифодаловчи семантик тусларни берувчи фразеологик бирликлар ва бошқалар);

Б) айрим сўзларнинг (мисол учун, соматизмлар) фразеоясовчи роли;

В) махсус коммуникатив хусусиятлар орқали фарқ қилувчи фразеологик бирликлар турлари (масалан, фразеошакл учун хос бўлган вариативлик кўламига эга фразеологик бирликлар);

Г) фразеологик бирликнинг матн ҳосил қилиш роли ҳамда уни қўлланилган контекстга жорий этиш усуллари.

Аввало, сўзлашув нутқининг ва қолаверса, диалогнинг фразеологик хусусиятларини тадқиқ қилганда олинган асосий натижаларни кўриб чиқамиз.

Диалог фразеологияси умуман жонли сўзлашув нутқи сингари жуда кам ўрганилганлиги яққол сезилади. Ваҳоланки, сўзлашув нутқида ҳар хил турларга оид фразеологик бирликлар тўлиб-тошиб ётибди. Қолаверса, фразеология ўз лисоний табиати бўйича айнан сўзлашув нутқининг маълум даражада ҳосиласи саналади. Шунинг учун ҳам тилдаги аксарият фразеологик бирликлар сўзлашув бирлиги мавқеи билан характерланади. Ҳар қандай ҳолда бошқа турлардаги фразеологик бирликлар (мисол учун, китобий, юқори услубга, атамашуносликка оид фразеологик бирликлар) миқдор, унумдорлик ва функционал фаоллиги бўйича сўзлашувга оид фразеологик бирликлардан сезиларли равишда орқада қолади, чунки сўзлашув услуби каби ҳеч қайси услуб фразеологиянинг мўллиги ва бойлигига эга бўла олмайди. Ҳақиқатдан ҳам, фразеологик бирликларнинг кўпчилиги айнан сўзлашув нутқи ҳодисаси сифатида юзага келган.

Маълумки, умуман сўзлашув нутқининг фразеологик жиҳатдан бойлиги талқини масалаларида, хусусан, диалогнинг ҳам, номаълум, ноаниқ томонлари кўп.. Сўзлашув матни парчасининг фразеологик “тўйинганлиги” турли омилларга боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, замонавий сўзлашув нутқида ҳар бир минг сўз қўлланилишига 1-3 фразеологик бирлик тўғри келади.

Диалогик контекстларнинг фразеологик мазмунини ўрганишда прозага тааллуқли бундай далиллар янада кўпроқ. Айтайлик, бунда ёзувчининг ўзига хос муаллифлик усули, унинг фразеологик ижодкорлиги, фразеологик “макромуҳит”, яъни ёзувчи томонидан фаоллаштириладиган фразеологик бирликларга тегишли бадиий юкламани касб этган вазият катта роль ўйнайди.

Сўзлашув нутқи фразеологиясини ўрганишда аввало идиоматик фразеологик бирликлар (фразеологик бирлашма ва чатишмалар) таҳлил қилинади. Фразеологик бирикмалардан етарлича экспрессивлик ва кўчма маъноси билан тавсифланган

бирикмалар эътиборга олинади. Ушбу фразеологик бирликлар услубни шакллантирувчи сўзлашув нутқи бирликлари ҳисобланади.

Шуни айтиш керакки, сўзлашув нутқи фразеологиясини ўрганиш учун турли манбалар жалб этилади: жонли сўзлашув нутқи (ўз-ўзидан юзага келувчи, олдиндан ишлов берилмаган), хатлар, пьесалар, диалоглар, монологлар ва бошқалар. Пьесалар, насрдаги диалоглар ва бошқа шу каби манбалар ёзувчи томонидан ишлов берилган сўзлашув нутқ фразеологик бирликларини ўз ичига олади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ишлов берилган сўзлашув нутқ фразеологияси стилистик қатламга оид фразеологик бирликларнинг мавжудлиги билан тавсифланади. Сўзлашув ва уларга яқин бўлган оддий сўзлашув фразеологик бирликларидан ташқари, бу ерда хусусан, пьеса тилида “интеллектуал” вазифани бажаришга мўлжалланган адабий-китобий фразеологик бирликларининг тез-тез қўлланилишини кузатиш мумкин. Қиёсланг: немис тилида ёзилган драматик матнларда: Von Zeit zu Zeit seh ich den Alten gern (J.W. Goethe, „Faust“, Vorspiel auf dem Theater) [«Қария билан баъзан жоним билан кўришиб тураман (мақол бўлиб турган Мефистофелнинг Худо ҳақидаги сўзлари)]; in Anwendung bringen [«амалиётда қўлламоқ»], Die schönen Tage im Aranjuez sind nun zu Ende (F. Schiller,” Don Carlos”) [«Ҳа, Аранхуэсдаги олтин кунлар ҳам ниҳоясига етди (ўтиб кетган фаровонлик ҳақида)] ва ҳоқазо.

Сўзлашув фразеологияси учун хос бўлган фразеологик бирликларнинг бошқа бир тури сўзловчининг касбини акс эттирувчи кўчма маъносида ишлатиладиган фразеологик бирликлар ҳисобланади, масалан: “куч майдони”, техниканинг энг сўнгги ютуқларига асосан, “буғни чиқариб юбормоқ” ва бошқалар. Бироқ, сўзлашув нутқи фразеологик бирликларининг кўпчилиги халқчиллиги ва тегишлилиги билан ажралиб чиқиб, экспрессив-стилистик белгиларга бойлиги билан фарқланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, сўзлашув нутқи фразеологияси деганда фақат сўзлашув нутқидагина қўлланилган ҳамда бадиий ва публицистик услубга сизиб кирган фразеологик бирликлар тушунилади. Албатта, бундай фразеологик бирликларни нутқда танлаш ва ишлатиш сўзловчининг ўзига хос диди, унинг билим даражасига билан боғлиқ. Шу билан бирга, бундай фразеологик бирликларга юқори экспрессивлик ва ифодалилик хос, шунинг учун улар доимо сўзловчининг кенг доиралардаги тайёрланмаган нутқида учрайди (талабалар, олий маълумотли шахслар ва бошқалар).

Сўзлашув фразеологиясини тадқиқ қилишда статистик ҳисоб-китоб усули кенг жалб этилиши зарур. Бундай маълумотлар жуда катта аҳамият касб этади. Қолаверса, у ёки бу матнлардаги фразеологик бирликларнинг сонини ҳисоблаш билан биргаликда, уларнинг сифат хусусиятларини инобатга олиш ўта муҳим. Аввалambор, бадиий асар қаҳрамонининг ёки маълум сўзловчи шахснинг нутқида ишлатилган фразеологик бирликларнинг асосий турларини аниқлаш зарур.

Сўзлашув фразеологияси икки вазифага эга: 1) экспрессив-баҳоловчи; ва 2) эмоционал (ҳиссий). Биринчиси бирор нарсага (ҳаракат, вазият ва ҳоқазо) берилган субъектив баҳони узатиш билан тавсифланади, иккинчиси эса, сўзловчининг ҳиссий ҳолатини намойиш қилади. Шундай қилиб, баҳоловчи вазифа немис фразеологик бирликларга хос: den Verstand verlieren («ақлдан озмоқ»), Das ist es ja eben !, Da liegt der Hase im Pfeffer! («ана шуниси бор-да»).Эмоционал баҳолашни “худо” ва “иблис” сўзлари билан келган фразеологик бирликлар бажаради. Улар орқали бериладиган семантик туслар ўта мураккаб ва хилма-хил ҳисобланади (алам, аччиқланиш ва бошқалар), Қўйидаги немисча фразеологик бирликларни қиёсланг: Hol`s der Teufel!, Teufel auch! («жин урсин»), kein Teufel kann daraus klug warden [«ўта чалкаш, ажи-бужи»], Hier findet sich selbst der Teufel nicht zurecht [«мияни қотирадиган»], geh zum Teufel! [«тўрт томонинг

қибла!»], Alles ist zum Teufel gegangen [“қандай бемаънилик, оббо!”], Wozu, zum Teufel [«сира кераги йўқ»] каби немис фразеологик бирликлари.

Тилнинг сўзлашув фразеологиясига хос баҳолаш туслари типологиясини аниқлаш диалог тилини ўрганишнинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Сўзлашув фразеологиясининг тадқиқотлари фразеологик бирликларнинг асосий шаклларини бутлаш ҳақида қизиқарли маълумотларни олишга имкон берди. Бир томондан, фразеологик бирликнинг фразеошакли сўзлашув нутқ шароитларида амалдаги меъёрда бўлади. Мисол учун, сўзлашув нутқида қўлланиладиган кўпчилик фразеологик бирликларда анъанавий фразеошакл қайд қилинади. Айни пайтда, сўзлашув нутққа оид фразеологик бирликларнинг фразеошаклларининг турли хил ўзгариш ҳолатлари ҳам кўп учрайди. Бундай ўзгаришлар кўпинча сўзлашув жараёни кечаётган шароитлар билан изоҳланади. Аввало фразеологик бирликнинг фразеошакли ўзгаришига нутқнинг олдиндан тайёрланмаганлиги таъсир кўрсатади. Дарҳақиқат, бундай нутқ ўзининг узуқ-юлуқлиги, чала айтилганлиги ёки аксинча, фикр баён этишнинг ҳар хил унсурларига аниқлик киритиш билан фарқ қилади. Фойдаланилаётган сўзлашув фразеологиясида нутқ жараёнининг тайёргарликсиз амалга оширилиши ҳар хил фразеологик бирликларнинг турли қисқариш трансформациялардаги сингари фразеологик бирликлар фразеошаклининг кенгайишига ҳам ва контекстуал кенгайишида намоён бўлади, бу ҳол фикрни ойдинлаштирувчи сўзлар ҳисобига юз беради.

Шундай қилиб, сўзлашув фразеологик бирликлар ўзгаришларининг қайд этилган жиҳатлари сўзлашув нутқининг қурилиш қонуниятлари билан изоҳланади. Биринчи навбатда, бу унинг тежамкорлиги,эллиптиклигидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алиференко Н.Ф. Фразеология в свете современных лингвистических парадигм. -М.: Элпис, 2008. -271 с.
2. Амосова Н. Н. Основы английской фразеологии. -Л.: ЛГУ, 1963. -208 с.
3. Арнольд И. В. Семантика. Стилистика. Интертекстуальность. -СПб.: Изд-во С.Петербург. ун-та, 1999. -444 с.
4. Бушуй А. М. Лексикографическое описание фразеологии. -Самарканд: Сам ГУ, 1982. -114 с.
5. Бушуй А. М., Яхшиев А. А. Библиографический указатель по общему и прикладному языкознанию. Диалог и монолог. -Самарканд: СамГУ, 1984. -82 с.
6. Gibbs R. W., Steen G. (Ed.). Metaphor in cognitive linguistics : Sel. papers from the Fifth Intern. cognitive linguistics conf., Amsterdam, 1997 / Ed. by Gibbs . R.W. jr., Steen G. -Amsterdam; Philadelphia : Benjamins, 1999. -VIII, 233 p.
7. Glinz H. Die innere Form des Deutschen. -Bern, 1991. -374 p.
8. Sadriddinzoda, S. (2022). The study of demonological characters in medieval heroic epics. *Chet tillarni o'qitishda dolzarb muammolar, innovatsiyalar, an'analar, yechimlar va badiiy adabiyotlar tahlili*, *1*(01), 109-112.
9. Shaxobiddinovna, S. S. (2021, January). MODELS FOR DESCRIBING LINGUISTIC FACTS OF DEMONOLOGICAL VOCABULARY. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 1, No. 1, pp. 428-429).
10. Садриддинзода, С. Ш. (2021). THE RELEVANCE OF THE SEMANTIC FIELD" EVIL SPIRITS" IN MODERN LITERATURE. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, *4*(5).

11. Давронова, М. И. (2021). МАВЗУ ВА МАЗМУНДА МУШТАРАКЛИК. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, *4*(1-2).

12. ДАВРОНОВА, М. И. (2018). SOME REFLECTIONS ON CONTENT AND GENRE. *Иностранные языки в Узбекистане*, (1), 249-255.

13. Safarov, S., & Akbarov, A. (2016). Cognitive Mechanisms of Word-formation Process: Interrelation of Conceptual and Verbal Structures. *J-FLTAL*, 205.

14. Nasilov, D. M., Isxakova, X. O. R. S. H. I. D., Safarov, Š., & Nevskaya, I. A. (2001). Imperative sentences in Turkic languages.

15. Сафаров, Ш. С., & Бушуй, Т. А. (2007). О цельнооформленности сложно-го слова и словосочетания. *Acta Linguistica Petropolitana. Труды института лингвистических исследований*, *3*(1), 216-225.